


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат шарқшунослик университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари	4
1.2. 60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1. 60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари	4
1.2.2. 60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари	4
1.2.3. 60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари	5
1.2.4. 60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари	5
2. 60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	8
Келишув варағи	9

1. 60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.

Малака талаби 60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) – “Тиллар” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, таржимашунослик, лингвистика, адабиётшуносликка оид тадқиқотлар ўтказиш, таржимашунослик истикболини белгилаш, касбий кўникма, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган илмий ва таржимонлик соҳаларига доир усуллар, услубларни ишлаб чиқиш; умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумларида, шунингдек, хусусий таълим марказларида ихтисослигига доир фанлар билан бир қаторда шарқ ва ғарб тилларини ўқитиш; корхона ва ташкилотларда таржима бўйича хизмат кўрсатиш, оммавий ахборот воситаларида таржимонлик ва муҳаррирлик қилиш, давлат бошқаруви органлари, халқаро ташкилотлар, турли давлат ва нодавлат муассасалари, жумладан, туризм билан боғлиқ муассасаларда таржима тизимини ташкиллаштириш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумлари;

- шарқ ва ғарб тилларидан таржимон талаб этиладиган ташкилотлар;

- газета ва журналлар таҳририяти, радио ва телевидение, нашриётлар;

- соҳага оид илмий-тадқиқот ташкилотлари;

- турли тадбиркорлик субъектлари, нодавлат, нотижорат ва жамоат ташкилотлари;
- ихтисослик соҳасига оид бошқа ташкилотлар.

1.2.3. 60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- таржимонлик;
- таржимонлик ва муҳаррирлик (оммавий ахборот воситаларида);
- ташкилий-бошқарув;
- хизмат кўрсатиш;
- илмий-тадқиқот;
- маънавий ва маърифий;
- педагогик (умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумларда)
- консалтинг хизмати ва шу кабиларни ўз ичига олади.

1.2.4. 60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари

60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Таржимонлик фаолиятида:

- таржима ишини ташкил қила олиш;
- таржимонга қўйиладиган талаблар, таржимоннинг ҳуқуқ ва бурчлари билан танишган бўлиш;
- таржима воситалари, электрон ресурсларлардан фойдалана олиш;
- ўрганилган шарқ тилларидан ўзбек тилига ва аксинча, ўзбек тилидан ўрганилган шарқ тилларига турли матнларни эркин таржима қила олиш;
- таржималарни таҳрир қила олиш ва танқидий мақолалар ёза олиш;
- таржимага адабиётшунослик ва тилшунослик нуқтаи назаридан ёндашувларни фарқлай билиш;
- таржима методларини билиш ва амалиётда қўллаш олиш;
- халқаро конференцияларда синхрон, визуал, кетма-кет таржима қила олиш;
- давлат ташкилотлари ва давлатга қарашли бўлмаган хусусий ташкилотларда ўрганилган шарқ ва ғарб тилларидан таржимонлик қилиш, иш қўғозлари билан ишлаш;
- турли муассасаларда турист йўлбошловчиси, ҳаво йўлларида сервис ходими, турли фирма ва меҳмонхоналарда маъмурий ходим ва менежер хизматини кўрсата олиш;
- амалиётда информацион технологияларни халқаро ва касбий стандартларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш;

Таржимонлик ва муҳаррирлик фаолиятида (оммавий ахборот воситаларида):

- матбуот, радио ва телевидение компанияларда, киностудияларда матнларни она тилига ва она тилидан чет тилларга таржима қила олиш;
- матнларни таҳрир қилиш;
- чет тилларидаги газета, журналларда таржимон, муҳаррир ва адабий ходим сифатида фаолит юритиш;
- телевидениеда чет тилларидаги кўрсатувларнинг бошловчиси фаолиятини амалга ошириш;
- радиода чет тилларидаги эшиттиришларни олиб борадиган суҳандонлик қилиш;
- турли нутқ услубларини тўғри қўллаш;
- имло, пунктуация, интонация ва услуб қоидаларини тўғри қўллаш;

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- маориф, маданият, туризм соҳаларида таржимонлик фаолиятини ташкил қилиш;
- таржиманинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- таржима ва таълим жараёнида сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш;
- таржима ва таълим жараёнларининг самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган технологияларни режалаштириш;

- ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- турли муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- таълим жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш;

Хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- турли муассасаларда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- таржима бюрolariда турли ҳужжатларни таржима қилиш;
- турли фирмаларда таржимонлик қилиш;
- туристларга йўлбошловчилик қилиш;
- ҳаво йўлларида сервис ходими сифатида фаолият юритиш;
- меҳмонхоналарда менежер хизматини кўрсата олиш;
- хорижий делегацияларга таржимонлик хизмати кўрсатиш;
- таржима дастурларини ишлаб чиқиш;
- интернет тармоғи орқали таржима хизматларини йўлга қўйиш;
- таржимонлик фаолиятида касбий этика кодексига риоя қилиш;

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда кидириш ва топиш;
- таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет элдаги илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;
- илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш;

Маънавий-маърифий фаолиятида:

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкиллаштириш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;
- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;
- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ёзма маънавий мероснинг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича яқка тартибда суҳбат ўтказиш;
- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда умуминсоний кадриятлар, меҳр-муруват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш;

Педагогик фаолиятида (мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумларида):

- мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус таълим тизими муассасалари ҳамда профессионал таълим муассасалари ва техникумларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари ҳамда ўрганилган шарқ ва ғарб тилларидан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар бўйича ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

Консалтинг хизмати фаолиятида:

– йўналишига мос мавзулардаги лойиҳалар, манбалар, адабиётлар, электрон видео ва аудио маҳсулотларни экспертиза қилиш;

– ихтисосликка мос соҳалар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш қобилиятига эга бўлиши керак.

**2. 60230200 - Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)
таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига
қўйиладиган талаблар**

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳукукий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва ўзларининг профессионал фаолиятларида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- қабул қилинган қарорларнинг ижтимоий аҳамияти нуктаи назаридан жавобгар бўлиш ва ташкилий ва бошқарув қарорларини топиш қобилиятига эга бўлиши;

- асосий ўрганилаётган тилнинг назарий ва амалий асослари, луғат бойлиги, мазкур тилда илмий, бадиий адабиёт ҳамда қўлёзмаларни ўқиш ва талқин қилиш;

- таржима назарияси ва амалиёти, матн таржимаси, синхрон таржима масалалари;

- асосий ўрганилаётган шарқ тилини ўзлаштириш даражаси “А1 бошланғич” босқичидан бошлаб “В2 тилни мустаҳкам эгаллаш ва эркин мулоқот қила олиш” босқичигача бўлган кўникмалар доирасидаги билимларни қамраб олиш;

- асосий ўрганилаётган шарқ тили ҳамда инглиз тилида мулоқот олиб бориши, соҳагага оид матнларни таржима қила олиш;

- ўрганилаётган тил методикаси, дарс бериш маҳорати, нутқ маданияти каби тамойиллари;

- касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш қобилиятига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:


касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, асосий ўрганилаётган тил, тилнинг фонетик тизими, ёзув ва товуш муносабатлари; фонетик ҳодисалар; тилнинг луғат таркиби, ўз ва ўзлашган қатлам; сўз ва унинг маъноси; тилда кўп маънолилиқ ҳодисаси, полисемантизм; сўз маъносининг торайиши ва кенгайиши; метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлиқ; синонимия, омонимия, антонимия ҳодисалари; тилнинг морфологик қурилиши; тилнинг синтактик қурилиши; сўз бирикмаси, таржимашунослик, таржима назарияси ва амалиёти, синхрон таржима, оғзаки таржима, ёзма таржима, таржимон маданияти, таржимон этикаси, тилнинг ёзма, адабий ва оғзаки шакллари, лексик-грамматик хусусиятлари, адабий матн, жонли мулоқот, маъруза, фразеологик, стилистик ва прагматик муаммолар, таржима қилиш методикаси, тилшунослик, адабиётшунослик, тилнинг функциялари, тил ва нутқ масалалари, тилларнинг генеалогик ва типологик таснифи, бадиий тасвир воситалари, бадиий санъатлар, портретлар, маданиятлараро мулоқот, миллий-маданий хусусиятлар, маданиятлараро тўқнашувлар, мулоқотга мойиллик, касбий мустақиллик.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат шарқшунослик университети




Ректор  Г.Ш.Рихсиева

202 1 йил « 18 » 08

КЕЛИШИЛДИ:


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази



Директор в.б.  М.Эсанов

202 1 йил « 18 » 08

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси




С.Саидов

202 1 йил « 18 » 08

Ўзбекистон Республикаси
Халқ Таълими вазирлиги ҳузуридаги
Республика Таълим маркази



Директор  Ш.Сатторов

202 1 йил « 18 » 08

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети



Ректор  У.Азизов

202 1 йил « 18 » 08